

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР, ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№121 (4368) | 18 июнь, Пайшанба — 1970 йил. — Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ XIII СЪЕЗДИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми ва Министрлар Совети Ўзбекистон матлубот кооперацияси вакиллари XIII съезди делегатларини, республика матлубот кооперациясининг пайчилари ва барча ходимларини таъинлайди.

Совет матлубот кооперацияси социалистик қурилишда ҳар дони партия ва хукуматимизнинг содқ ерданчи бўлди. У совет савдоси тараққиётида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё тайёрлашнинг амалга оширишда, омма орасида маданий тарқатишда катта роль ўйнади.

Ҳозир Ўзбекистон кооперацияси меҳнаткашларнинг оммавий-инициатив хўжалик ташкилотидир. У ўз сафарига 1 миллион 800 мингдан ортиқ пайчини бirlаштирган.

Партияимизнинг XXIII съезди Директиваларини бажара бориб, матлубот кооперацияси ўтган тўрт йил мобайнида ишларда савдо қилиш тубдан кенгайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш ва тайёрлаш, ўз қорғонларига товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маданий-техника базасини мустаҳкамлади.

Ҳисобот даврида чакана савдо обороти 45 процент ўсди. Тикилган товарлар, трикотаж буюмлар, чарм пойфазалар, маданий-маиший ва хўжаликда ишлатиладиган товарларни сотиш кўпайди. Хоридорларга хизмат қилиш яхшиланди, савдонинг прогрессив формалари кенг қўллана бошланди. 2200 магазин, ошхона, ресторан ва сахна 65 минг квадрат метр бўлган оғир қурилиб, ишга туширилди.

Кооператив савдо таъминлашиб бормоқда. Лекин, экономиканинг тез тараққиёти, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг мунтазам ортиётганлиги, республикамиз меҳнаткашларининг фаровонлиги ва маданий даражаси ошётганлиги матлубот кооперациясининг хўжалик ва ташкилотчили фаолиятини кенгайтириш ва яхшилашни талаб қилмоқда.

Республикамиз матлуботчиларига партия ва хукуматимиз жуда катта муҳим ишни — қишлоқ меҳнаткашларига хизмат қилишни ишониб топширганлар.

Матлубот кооперацияси ходимларининг биринчи галдаги вазифаси чакана савдо ва умумий оғиратилишнинг янада тараққиёттириш ва таъминлаштириш, саноат билан амалий алоқани ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, матлубот кооперацияси системасидан қорғонларда нон маҳсулотлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига товароборота қўшимча ресурсларни жалб этиш имкониятидан фойдаланишни яхшилаш ва ҳалқ хўжалигида тенгқорликка қатъий риоя қилиш тўғрисидаги Хатига амал қилиб галлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини янада собит қиладиган билан таъминлаштириш, кооператив маблагларини сақлаш учун курашиш, хўжалик планларини бажариш учун, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган чиқимларни тугатиш, хўжаликнинг ишнинг қилини билиб, тежаб-тергаб бажариш учун тиним кураш олиб бориш зарур.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва ҳалқ хўжалигида тенгқорликка қатъий риоя қилиш тўғрисидаги» Хатига амал қилиб галлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини янада собит қиладиган билан таъминлаштириш, кооператив маблагларини сақлаш учун курашиш, хўжалик планларини бажариш учун, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган чиқимларни тугатиш, хўжаликнинг ишнинг қилини билиб, тежаб-тергаб бажариш учун тиним кураш олиб бориш зарур.

Кооператив ташкилотлари демократия принципларига қатъий риоя қилишлари шарт, хўжаликнинг бошқаришда ва матлуботчилар фаолиятини назорат қилишга пайчиларни кенг жалб этиш лозим.

КПСС Марказий Комитети декабрь (1969 йил) Пленумининг хўжаликни самарали бошқариш, топширилган иш учун жавабгарлик тўғрисидаги қарорларни ҳар бир коллективнинг ҳам, ҳарбир ходимнинг ҳам фаолиятига асос қилиб олиниши лозим. Кооператорлар кадрлар билан ишлаш, ходимларнинг иқтисодий билим ва малакасини ошириш, уларни ўз насларига меҳр ва ҳурмат руҳида, топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялаш тўғрисида катта гамжўрлик кўрсатишлари лозим.

Республика матлубот кооперацияси вакиллари XIII съезди Владимир Ильич Ленин тугилган юннинг 100 йилгига таъназми ишонлиши ва СССР Олий Советига сайловлар тугайли вужудга келган меҳнат ва сиёсий нўтаринлики оғир аjoyиб кунларда ўтмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республикамиз кооператорлари партия ва хукуматимиз қарорларига амал қила бориб, қишлоқ аҳолисининг тобора ошиб бораётган талабларини янада тўлароқ қондирш учун барча зарур қарорларни қўриқдило, бу билан коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДУМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ТАСС АХБОРОТИ ОРБИТАЛ ПАРВОЗДА 352 СОАТ

«Союз-9» космик кемаси 16 июнь Москва вақти билан соат 14 дан 07 минут ўтгунга қадар Ер атрофини 237 марта айланиб чиқди. Шу вақтгача космонавтлар Андриян Николаев билан Виталий Севастьянов орбита бўйлаб 352 соат учдилар. Космик фазода бунчалик узок муддат учишга биринчи марта эришилди.

Космонавтларнинг ўтган иш кунини белгиланган тартибга мувофиқ равишда ўтди ва 16 июнь эрталаб соат 3 да таямол бўлди.

Ер атрофини 222-март айланиб чиқиш вақтида космонавтар қўлда бошқариш системаси ёрдамида кемани шундай тарада ўнгалаб олдиларки, натижада орбита бўлмадаги илпомина-торлардан бири Ерга тўғрилади қолди.

Космонавтарлар кун мобайнида юлдузларни кузатдилар.

Экинча аъзоларининг берган маълумотларига, уларни телевидение орқали кузатишларга, телеметрия ахбороти маълумотларига ва шу кунини программанинг бажарилиш натижаларига қараганда, космонавтарларнинг иш қобилияти хали ҳам юксак даражада турибди. Улар вақтсизлик ҳолатида «кўп» кун бўлишни яхши кечирмоқдалар. Николаев ва Севастьянов ўртокларининг айтишича, улар вақтсизлик ҳолатига одатланиб қолдилар ва ўзларини Ер шароитидан тrenaжердагидек яхши ва дадил ҳис қилмоқдалар.

Космосдаги навбатдаги, ўнотинчи иш кунини 16 июнь Москва вақти билан соат 11 да бошланди. Радио алоқа сеанси вақтида кема командири Николаевнинг маълум қилишича, космонавтарлар дам олганларидан кейин ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

«Союз-9» космик кемасининг учиши давом этмоқда.

◆ В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, Чирчиқ электрохимия, Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл комбинатлари, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси коллективларининг ватанпарварлик ташаббусини кенг қулоч ёйдирайлик.

◆ Йиллик план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун курашайлик!



Қаршибой Абдурачимов номли «Қизил Октябрь» қолхозиде каттаюкичи ҳурмат билан тилга олади. У шу қишлоқнинг фарзанди. Шу ерда улғайиб, ота касби деҳқончилика меҳр қўйган. 1944 йилдан бери эса қолхозда механизатор бўлиб ишлаб келмоқда.

Қаршибой ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолиятида пахтачиликни ривожлантириш, олимпиадада ҳосилдорликни ошириш йўлида гайрат кўрсатмоқда. Бу йилларда у қўллаб ўзи каби меҳнаткаш, аjoyиб механизатор шоғирларни вожа этказди. Қолҳознинг пешқадам механизаторларидан бўлган Тўйчи Худобоев ҳам техниканинг қирини ундан ўргатган.

Устоз ва шоғирд мусобақалашиб меҳнат қилишади. Ўтган

МОҲИР МЕХАНИЗАТОР

Йили Қаршибой бошлиқ звено 28 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил кўтарган бўлса, шоғирд Тўйчи Худобоев бошлиқ звено 31 центнердан «оқ олтин» етиштирди.

Қолҳозда Қаршибойни ҳам, Тўйчини ҳам моҳир пахтакор, тажрибали механизатор сифатида танишади. Бу икки уста пахтакор звенога қарашли пахта майдонларини кузда ўзлари ҳайдади, баҳорда экишади. Йилгитеримда ҳам «зангори немас» руллага ўзлари ўтиришади. Бу звеноларда техникадан унумли фойдаланиб келинаётганлиги тугайли пахта танарики арзонлашиб, звено аъзоларининг маъна-адорлиги ортиб бормоқда.

Мўй ҳосил учун қатъий кураш-ишлатган шу кечакундада бу

звенолар даласида ҳам меҳнат авжида. Улар ўзларига қарашли 60 гектар пахта майдонига 28 центнер ўрнига 35 центнерга етказиб ҳосил кўтариш учун бир тан бир жон бўлиб меҳнат қилишади. Шунингдек, улар 12 гектар майдонда қаноп ўстириш-япти. Гектардан 170 центнердан қаноп олиш учун гайратларигагайрат қўшиб ишлашмоқда.

Ғуза парварлишида звенонинг Анор Абдурашимова, Ғулом Эргалиев, Сулаймон Жуманов каби аъзолари барчага намуна бўлишмоқда. Звено бошлигининг ўзи трактори рулини бураб кенг пахтазорда жавлон урелтиб, Қаршибой Абдурачимовнинг яхши ниятига биз ҳам тиладошимиз.

Х. СУЛАЙМОНОВ.

Янгийул райони.

ЎРИМНИ ҲАМ САККИЗ КУНДА ТУГАЛЛАЙМИЗ

Қолҳозимиз механизаторлари бу йилги ғалла ўрими-йигимида актив қатнашиб, мавсумини ушшоқлик билан ўтказиш юзасидан зиммаларига конкрет мажбурият олганлар. Механизаторлар ҳозирги кунда ғалла ўрими-йигимини қизғин олиб боришапти. Ҳар бир комбайнчи ўз ариғатини унумли ишлатиб, қуналиқ суръатин тобора оширмоқда. Ғаллазорларда меҳнат қиладиган барча ишчи, техника кучлари ўрими-йигимини ўн сакинча иш кўнуда тугаллашга қаратилган.

Хўжалиқимиз ғаллакорлари беш йилгитерим сўнгги йилда 1056 гектар ғалла майдондан даялатга 700 тонна дон сотиш мажбуриятини олганлар. Деҳқонларимиз эрта баҳордан бери ана шу ҳосилни қўлаб, майдонларда тер тўймоқдалар. Уларнинг шу кунгача қилган қаҳрамонона меҳнати самарали бўлди. Олинаётган ҳосил планда белгиланганидан уч-тўрт центнер ортиқ бўлмоқда.

Ўрими-йигини ишлари қуида-қуи аяк олдириладиган шу кунларда ғаллазорларда олтинга комбайн кечакундуз ишламоқда. Комбайнчиларнинг бутун фикри-закри

Ўрими-йигимини намунали олиб боришга, бу йил даялатга ҳар доимгидан мўл ва сифатли дон етказиб беришга қаратилган.

«Бир грамм дон ҳам нобуд бўлмасин». Комбайнчиларнинг бутунги қуидаги шiori мана шундай. Дон-дон дейишади. Донни қадрлаган механизаторлар ғалла ўримида катта эътибор билан қарашни керак. Комбайнни ишлатишда ғалла побудгарчилигига йўл қўймаслик механизаторнинг биринчи галдаги вазифасидир.

Ҳаммасларимиз ана шуларни ёлда тутган ҳолда ғаллазорларда тер тўқитилар. Илгор комбайнчилардан Мамон Абдурашимова, Иброҳим Топтонов, Соҳиб Абдуллоев, Комбайнчиларнинг моҳирлиги билан бошқариб побудгарчиликка йўл қўйилмапти. Бу азаматлар ҳар кун 8—10 гектар майдондаги ғаллани сифатли ўриб-личиб олмоқдалар.

Ғаллазорларда астойдил тер тўқитган механизаторларнинг бутунги қуидаги гайрат-шиқоати, ҳаракат ва нитилиши ўрими-йигимини намунали тугаллашга қаратилган. Улар бутун кечакундан, эртага бутунгидан унумли меҳнат қилиб, ғалла ўримиини қисқа муддатда тугаллашга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Т. САФАРОВ.

Ўрта Чирчиқ районидан «Полярная звезда» қолҳозининг комбайнчиси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

17 июнда Москвада Союзлар уйлда В. В. Ермалов раислигида сайловнинг чакриқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг якуловчи йилгисини бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси ўз ишини якували ва «СССР Олий Советига сайлов тўғрисидаги Низомни» мувофиқ сайлов ўтказиш юзасидан олиб боришга иш ҳукуматларини янги чакриқ СССР Олий Совети Иттифок Совети ва Миллатлар Советининг маддат комиссияларига топширишга қарор қилди.

Комиссия ўз фаолиятининг туганиш муносабати билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларини ҳам қараб чиқди.

Шу билан Марказий сайлов комиссияси ўз ишини тугатди. (ТАСС).

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ҒАЛЛА ЎРИНИНГНИ БОРНИШИ ТЎҒРИСИДА 17 ИЮНГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

1-стун — районлар, 2-стун — ўриладиган майдон, 3-стун — ўриладиган майдон, 4-стун — планинг бажарилиш проценти.

Калинин	5351	2171	40,6
Бунё	9492	2057	21,7
Оқуғурғон	2095	436	20,8
Орхонниқиде	490	100	20,4
Ўрта Чирчиқ	26597	5357	20,1
Беноев	5746	936	16,3
Янгийул	10647	1630	15,3
Юрчиқ Чирчиқ	22131	322	1,5
Бўстонлиқ	9651	—	—

Область бўйича	92200	13009	14,1
----------------	-------	-------	------

